

сезиларли таъсир кўрсатиб, шахснинг шаклланишида алоҳида муҳим аҳамият касб этади [4].

Ўз қобилиятларини болаликданоқ билиш, уларни мақсадли ривожлантириш ва ўз касби ва фаолияти соҳасини излашга йилларни ва ҳатто ўн йилликларни йўқотмаслик имконини беради. Бироқ тез-тез шундай ҳам бўладик, университетни тугатиб бир неча йил ишлагандан кейин инсон бу унинг иши эмаслигини англайди. Бизнинг ҳаётимиз қисқа ва кам натижали, инсонга қувонч бахш этмайдиган фаолиятга бир неча йилнинг йўқотилиши жуда ачинарлидир. Ҳозирги пайтда болалар ва катталарнинг қобилиятларини аниқлаш учун турли хил психологик тестлар ишлаб чиқилган, лекин муаммони яқуний ечимига ҳали узоқ. Афсус билан таъкидлаш мумкинки, кишиларнинг қобилиятини аниқлашнинг универсал тести мавжуд эмас.

Яна бир жуда муҳим савол – ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришнинг чеки борми? Маълумки, репродуктив қобилиятлар маълум чегарагача ривожланади. Биз ил боғлаш, нонга ёғ суришга қанчайлик машқ қилмайлик, эртами кеч биз ундан бошқа ўзиб кета олмайдиган охириги даражадаги тезликка эришамиз. Ижодкорлик қобилиятлари олимларнинг исботлашига кўра, чегарага эга эмас, инсонда уларни ривожлантириш хоҳиши бор экан улар ривожланаверади. Хулоса оддий – ижодкорлик фаолияти ўзимизга, тўғрироғи наслий қобилиятлар ва иш қобилиятларимизга боғлиқ. Айнан иш қобилияти инсоннинг ҳаёт фаолияти давомида эришилган фаолият натижаларини аниқлайди. Маълум бўлишича инсон юксак иш қобилияти ва зарур генетик қобилиятларсиз эриша олмайдиган мақсадлар йўқ [4].

Ижодкорлик фаолияти маълумки, фаолият – натижасида инсон аниқ маҳсулот яратадиган жараён-дир. Фаолият репродуктив ва ижодий бўлиши мумкин. Репродуктив фаолият – бу батафсил ишлаб чиқилган алгоритм бўйича бажариладиган жараён ва бу натижада фаолият субъекти учун ҳам, бошқа кишилар учун ҳам янгилик бўлмаган маҳсулот яратилади. Ижодкорлик фаолияти бу бошқа масала.

Адабиётлар

1. Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori: O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi qonuni. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi. -T.: «Sharq». 1997. 63-b.
2. Muslimov N.A., Sharipov Sh.S. Texnik ijodkorlik va dizayn. -T.: "Iqtisod-Moliya" 2008. 150-b.
3. Туракулов Х.А., Шарипов Ш.С. Талабалар ихтирочилиги ижодкорлигини ривожлантириш. методик тавсиянома. -Жиззах: 1998. 36-б.
4. Алексеев В.Е. Активизация работы по развитию технического творчества. -М.: "Высшая школа". 1984. -С.44.
5. Мотков А.А. Обучение техническому творчеству в педвузе. -Киев: «Выща школа» 1981. -С.110.

РЕЗЮМЕ

Ўқувчилар ижодий меҳнатини шакллантиришнинг аҳамияти. Республикамизда ёшлар ижодий фикрлашини фаоллаштириш масалаларининг долзарблиги. Ижодий фикрлаш сифатларини фаоллаштиришда бошланғич таълимнинг тутган ўрни. Талаба ёшларда ижодий фикр юритиш, ўз фикрини тўғри, изчил, асосли баён эта олиши. Ижодиёт ёшларнинг қўшимча билимларга эга бўлишига, дунёқарашини ривожланишига ёрдам беради.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится о программе по формированию у молодежи творческого труда, актуальности вопросов в Республике активизации у молодежи самостоятельного творческого мышления. Рассматриваются место начального образования в активизации качества самостоятельного творческого мышления, развитие самостоятельного творческого мышления у студентов, и умение основательно и постепенно излагать свои мысли. Самостоятельное творчество помогает молодежи в получении дополнительных знаний в развитии мировоззрения.

SUMMARY

The article deals with the ways of establishing independent creative activities of the youth, the importance of developing independent creative activities of the youth in our republic. The author also studies the role of elementary education in the development of independent creative thinking and the ability of youth in expressing logically their points of view. Independent creation helps the youth to get additional knowledge in the development of world view.

БЎЛАЖАК МАТЕМАТИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛ ИШИ МЕТОДИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

М.С.Бердибаев – ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: мустақил таълим, мустақил иш, инновацион ўқитиш, компетенция.

Ключевые слова: самостоятельное образование, самостоятельная работа, инновационное обучение, компетенция.

Key words: self education, independent work, innovational training, competence.

Охириги йилларда олий мактаб педагогикасида талабанинг мустақил таълим самарадорлигини ошириш зарурлигига катта эътибор қаратилмоқда. Шундай мақсадларда

Ижодкорлик фаолиятининг ҳеч бир тури учун уларни бажаришнинг батафсил алгоритми яратилиши мумкин эмас, бироқ ижодкорлик фаолиятининг кўпгина турлари учун умумий алгоритм аллақачон яратилган, масалан иншо ёзиш, кийимларни мослаштириш, техника бўйича ижодкорлик масалаларини ечиш ва бошқаларда. Ижодкорлик фаолияти натижасида ёки субъектив, ёки объектив янгиликка эга бўлган маҳсулот яратилади.

Ҳар бир инсонга ижодкорлик фаолияти технологиялари ва методларини эгаллаш зарурми, ахир ҳамма ҳам объектив янгиликлар яратмайдими? Инсон ким бўлиб ишлашдан қатъий назар: овқат тайёрлаши, кийимни моделлаштириши, ўз фарзандларини тарбиялаши ва кўпгина уй ишларини бажариши ва хўжалик муаммоларини ечишига тўғри келади. Шунинг учун жавоб бир хил, ижодкорлик методларини ҳар бир инсон эгаллаши зарур, қандай методларни ва қайси фаолият учун қўллаш ёки қўлламаслик – бу унинг танлаш ҳукуки [5].

Ижодий меҳнат билан шуғулланган инсонларда қуйидаги шахсий психологик хислатлар шаклланган бўлиши лозим:

- ижтимоий хислатлар туркуми - дунёқараши, маънавий, меҳнат ва эстетик фазилатлар;
- тажриба хислатлар туркуми - англанданлиги, илмийлиги, маҳорати ва ҳажми;
- аклий хислатлар туркуми - тасаввур бир бутунлиги, диққати жамланганлиги, фикрлаш кенглиги, мустақил ва танқидий фикрлаши, хотираси мустақамлиги;
- ирсий хислатлар туркуми - топқирлик, зехнлик, зираклик, ихтирочилик, ишчанлик, ҳозиржавоблик, мантикийлик, соғлом фикрлик.

Баён этилган фикрлардан шундай хулосага келиш мумкин, ўсмирларда ижодий меҳнатга масъулиятли мунасабатни шакллантириш мураккаб жараён саналса-да, бу жараёнда уларни доимий равишда меҳнат фаолиятига фаол жалб этиш ҳамда муҳим аҳамиятга эга бўлган педагогик вазифаларни ҳал қилиш орқали кутилган натижага эришиш мумкин.

стақил фаолиятни ва талабаларнинг мустақил таълим олишини ташқил қилиш бўйича бир қанча илмий ва услубий ишланмалар яратилди.

Олий мактабни ислохот қилиш жараёнини таҳлил қилишда бўлажак математика ўқитувчиларининг мустақил ишини олий таълим муассасаларида таълим системаси босқичларинг бири бўлиб ҳисобланади. Бўлажак математика ўқитувчиларидан доимий равишда ўзининг билимини такомиллаштириш талаб қилинади. Ахборот жамияти шароитида бўлса, таълим жараёнини ташқиллаштиришнинг принципиал ўзгаришлари талаб қилинади: аудитория юкламасининг қисқариши, бўлажак математика ўқитувчиларининг маърузани пассив равишда тинглаши мустақил ишининг ҳиссасининг ўсиши билан алмашади. Шунга боғлиқ, бўлажак математика ўқитувчиларини ўқитиш - бу индивиднинг ўзбошимчалик билан мустақил таълим олиши эмас, бўлажак математика ўқитувчилари мустақил фаолиятни систематик равишда бошқариладиганини атаб ўтиш зарур, у ҳуқумрон бўлиб, айниқса, Ўзбекистоннинг олий таълим тизимида мутахассисларни кўппоғонали тайёрлашга ўтишнинг замонавий шартларида у ҳуқумрон доминант бўлиб шаклланади. Шу сабабли, аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар орасидаги пропорционаллик фақат аниқ фанларнинг анъанавий чегараларидагина эмас, умуман бўлажак математика ўқитувчиларининг мустақил ишини ташқиллаштириш муаммосига диққат эътиборни қаратди [1].

Мустақил таълим доирасида талабалар томонидан бажариладиган мустақил ишни ташқиллаштириш бўйича методик кўрсатмаларда бундай иш турларининг катта рўйхати берилди:

- ўқиш адабиёти бўйича ўрганилаётган дарснинг айрим мавзуларини мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалар билан танишиш;
- амалий ва семинар машғулотларга тайёргарлик;
- аниқ мавзу бўйича реферат тайёрлаш;
- курс иши ёки курс лойиҳасини бажариш;
- ҳисобкитоб-график ишнинг бажариш;
- макетлар, моделлар ва адабий ёки бадиий асарлар устида ишлаш;
- аниқ мавжуд бўлган муаммони ечиш;
- тестлар, дискуссион саволларни ва масалаларни тузиш;
- илмий мақолалар, тезислар ва маърузаларни тайёрлаш;
- амалий тавсифга эга ностандарт масалаларни ечиш ва ижодий иш;
- ўй вазифасини бажариш ва ҳоказо.

Албатта, ушбу рўйхат барча ўқув фанларга бутунлигича татбиқ қилинмайди. Ўқув фанининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, унинг иккита ёки учта, ундан кўп бўлмагани маъқул. Бунда талабанинг мустақил иши, бу – ҳали мустақил таълим эмас эканлигини унутмаслик керак. Талабанинг мустақил иши фақат қачон унинг олдида мустақил таълим бўйича топшириқ бўлса ва унинг изидан педагогик баҳолаш бўлганда мустақил таълим бўлади.

Мустақил таълимни лойиҳалаштириш уни бажаришга сарфланадиган вақтни ҳисоблаш учун педагогик талабларни ёки шартларни аниқлаштиришдан бошланади:

- ўқув фани ўқитилаётган семестр;
- маъруза машғулотлар;
- амалий машғулотлар;
- мустақил таълим – мустақил машғулоти.

Бу каби маълумотлар: дарснинг назариясини мустақил ўрганишга талаба қанча соат ва амалий тавсифдаги кўникма ва билмларини мустақил ишлаб чиқиш учун қанча вақт ажратиши кераклигини аниқлаштиради.

Бўлажак математика ўқитувчиларининг мустақил ишини ўтказишнинг жойи ва вақтидан келиб чиқиб, унинг ўқитувчи томонидан бошқарув характери ва натижалари устидан назорат усули қуйидаги турларга бўлинади:

- асосий аудитория машғулоти пайтида мустақил ишига (маърузалар, семинарлар, амалий ишлар);
- режали маслаҳат, ижодий алоқалар шаклида ўқитувчи назорати остидаги мустақил ишига;
- ўқув ва ижодий характердаги ўйга вазифаларни бўлажак математика ўқитувчиларининг бажаришидаги аудиториядан ташқари мустақил ишига.

Албатта, юқорида санаб ўтилган иш турларининг мустақиллиги етарли даражада шартли ва ҳақиқий таълим жараёнида бу турлари бир бири билан кесишади. Умуман, ўқитувчи бошқаруви остидаги бўлажак математика

ўқитувчиларининг мустақил иши касбий мустақил ўқишга мақсадли тайёрликни ривожлантиришнинг педагогик таъминлаш бўлиб ҳисобланади ва таълим жараёнининг дидактик воситаси, ўқувчиларнинг фаолиятини сунъий педагогик тузилишини ташқиллаштириш ва бошқариш бўлиб намоён қилинади. Шундай қилиб, бўлажак математика ўқитувчиларининг структуравий мустақил ишини икки қисмга бўлиш мумкин: ўқитувчи томонидан ташқиллаштирилган ва ўқитувчи томонидан бевосита назорат қилинмаган (маърузаларга, амалий машғулотларга, коллоквиумларга тайёргарлик ва ҳ.) бўлажак математика ўқитувчиси томонидан ихтиёрий ташқиллаштирилган мустақил иш. Аммо, бўлажак математика ўқитувчилари мустақил ишга ўтишда қуйидаги моментларни ҳисобга олиш керак:

- таълим жараёнида ўқитувчилар ва бўлажак математика ўқитувчилари орасидаги ўзаро муносабатлар;
- мустақил иш учун топшириқнинг мураккаблик даражаси;

- бўлажак математика ўқитувчиларининг бўлажак касбининг шаклланаётган фаолиятига киришиши.

Ўқитувчи бошқаруви остидаги бўлажак математика ўқитувчиларининг мустақил ишини ташқиллаштириш ўқув жараёнида самарали йўналишларнинг бири бўлиб ҳисобланади, билимга эга бўлиш ва мустақамлашга ниҳоятда кучли омил бўлиб, унинг мустақил ижодий фаолиятини ривожлантиради.

Бўлажак математика ўқитувчиларининг мустақил иши махсус фанларни ўрганишда ўзига хос долзарбликка эга бўлмоқда, сабаби бўлажак математика ўқитувчиларини зарур адабиётлар билан ишлашга омиллик яратади, ечим қабул қилиш кўникмасини ҳосил қилади. Бир нечта талабалардан иборат коллективнинг битта катта топшириқни ишлаб чиқиши жуда истиқболли, негаки бундай ёндашиш жамоавий ижод қилиш кўникмасини шакллантиради.

Инновацион ўқитишнинг контекстида бўлажак математика ўқитувчиларининг мустақил иши бўлажак математика ўқитувчиларининг касбий компетенцияларининг шаклланишида аҳамиятли ўрин эгаллайди [2].

Ҳозирги вақтда бўлажак математика ўқитувчиларини ўқитишда фаол позициясини эгалламайди, шундай қилиб замонавий битирувчи илмий ахборотни қабуллашга ва мустақил ишнинг маъносини англаб ўзлаштиришга етарли даражада тайёр эмас. Ўқув режаларидаги юктамаларнинг мустақил иш фойдасига ўзгариши уни ташқиллаштиришдаги бўлажак мутахассисларни ўқитишнинг индивидуализацияси ва ижодий қобилиятлигини ривожлантириш муаммоси каби барча муаммоларни ечмайди. Бўлажак математика ўқитувчисини ўқитишнинг анъанавий шаклида маъруза консепктларини ўрганиш билан чекланади ва махсус топшириқларсиз камдан-кам ҳолларда ўзлари маълумотномадан (справочник) фойдаланишади, натижада бўлажак математика ўқитувчиларида ички мотивация, аниқ ўрганилаётган материални мустақил равишда тушуниш ва англаш ҳохиши заиф ривожланади.

Бўлажак математика ўқитувчисининг мустақил ишини инновацион ўқитиш шароитида бошқаришни ташқиллаштирувчи, методик, регуляцион тузилганлигини кўзда тутаяди, лекин айнан ўқитувчи бўлажак математика ўқитувчисининг мустақил ишининг системасини унинг шакллари, мақсадларини, ўқув маълумотини, педагогик коммуникацияларини воситаларини танлаб ва бу жараёнда ўзининг ўрнини аниқ тушунган ҳолда тизмоғи шарт. Бўлажак математика ўқитувчиси учун тузилаётган мустақил иш бўйича ўқув қўлланмаларини ўрганишда шуни мўлжалламоқ керакки, у бўлажак математика ўқитувчилари ўрганилаётган материалнинг тузилиш мантигини тушунишга ёрдам бериши керак. Бўлажак математика ўқитувчилари назорат материалларини ҳам, мисол учун махсус фан бўйича ситуацион ўқув масалаларининг тўпламлари, шунингдек, ўқув қўлланмаларида ўқувчилар ўзини назорат қилиши учун баҳолаш мезонларига ҳам эга бўлиши керак [3].

Методик тизими бўлажак математика ўқитувчисининг мустақил ишининг топширмаларини ўқув жараёнини (маъруза, семинар, амалий машғулот) ташқиллаштиришнинг ҳар хил шаклларда фойдаланувчи ишланмаларни ишлаб чиқишни кўзда тутаяди.

Регуляцион тизим бўлажак математика ўқитувчисининг мустақил ишини бошқариш бўлажак математика ўқитувчисининг мустақиллигини ва ижодий фаоллигини рағбатлантирувчи ҳамкорлик шаклида ташқиллантиришга

йўналтирилган.

Бўлажак математика ўқитувчисининг мустақил ишини бошқариш – бу ижодий педагогик жараён, бу жараёни муваффақиятли бошқариш ўқитувчисининг бўлажак математика ўқитувчисининг ижод учун очил-ган аниқ моделлаштирилган ўқув вазиятида динамик ривожланаётган ин-

Адабиётлар

1. Бекмуратов А.Ш., Голиш Л.В., Хашимова Д.П. Проектирование и планирование педагогических технологий. – Ташкент: ТГЭУ, 2010. – С. 62.
2. Ишмухаммедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. –Т.: 2013, 15-6.
3. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В. Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари. –Т.: ТДИУ, 2010, 25-6.
4. Тюрикова Г., Филатова О., Прошкина И., Семенова Е. Организация самостоятельной работы студентов – условие реализации компетентного подхода. // Высшее образование России. 2008, №10. –С. 93-97.

Маколада профессионал таълим йўналиши бўйича талабанинг мустақил таълим олиш муаммоси кўриб чиқилади. Мустақил иш турларининг рўйхати, шунингдек, талабанинг мустақил таълимининг педагогик жараёнининг таркибий қисми келтирилади. Талабанинг мустақил иши - мустақил таълимининг компонентларидан бири эканлиги таъкидланади.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются проблемы самостоятельного образования студентов по направлению профессионального образования. Приводится перечень разновидностей самостоятельной работы, а также составных частей педагогического процесса самостоятельного образования студента. Подчеркивается, что самостоятельная работа студента – один из компонентов самостоятельного образования.

SUMMARY

The article deals with independent education of students on the direction of professional education. The author gives a list of various types of independent work and also the basic parts of pedagogic process of independent work of students. It is emphasized that independent work of students is one of the elements of independent education.

БЎЛАЖАК МЕХНАТ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ КАСБИЙ ШАКЛЛАНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИНТЕРФАОЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

З.У.Джумагулов – ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: интерфаол технологиялар, таълим жараёни, билим, шаклланиш, ижодий фаолият.

Ключевые слова: интерактивные технологии, образовательный процесс, знание, формирование, творческая деятельность.

Key words: interactive technologies, educational process, knowledge, formation, creative activity.

Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда кўплаб илмий билимлар, тушунча ва тасаввурлар ҳажми кескин ортиб бормоқда. Бу, бир томондан, фан-техниканинг янги соҳа ва бўлимларининг тараккий этиши туфайли унинг дифференциаллашувини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда.

Демак, бундай шароитда юқори малакали педагогларга қўйилган талаблар ортиб бориб, баркамол авлодининг асрлар давомида шаклланиб келган умуминсоний ва миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш лаёқатига эга, фаннинг фундаментал асосларини, педагогика ва психология методларини мукамал эгаллаган, касбий тайёргарлиги юксак даражада бўлган ҳамда замонавий педагогика ва ахборот технологияларини амалиётда қўллаш кўникма ва малакасига эга ижодкор педагогларни тайёрлаш талаб этилади.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг компетенцияларини шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ривожлантиришга қаратилган қуйидаги мазмундаги илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда:

- ўқитиш мазмуни ва унинг ўқув-методик таъминоти;
- таълим технологиялари;
- билимларни назорат қилишнинг объективлигини таъминлаш;

- умум жаҳон стандартлари талаблари асосида компетенцияли меҳнат таълими ўқитувчиларини шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ривожлантиришга доир технологияларни ишлаб чиқиш;

- дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда мустақил таълимни ташкил этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиси учун таълим олиш жараёни педагогик фаолиятни муваффақиятли амалга оширишда касбий жиҳатдан аҳамият саналган сифат, билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш ҳамда ўз-ўзини такомиллаштиришнинг энг мақбул давридир. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиси ушбу жараёнда билимларини жамлаш, сақлаш, узатиш, уларнинг мантаний тузилмасини яратиш ва келажакда касбий фаолиятини ташкил этишда уларни самарали қўллаш йўллариини ўрганиш каби ҳолатларни ўзида мужассам эттиради.

Бугунги кунда бўлажак меҳнат таълим ўқитувчила

теллектуал-коммуникатив фаолиятини яратишга тайёрлиги билан аникланади [4].

Ўқитувчи ва бўлажак математика ўқитувчиларининг бундай ўзаро муносабати типига бўлажак математика ўқитувчисининг касбий ривожланиши учун шароит шаклланади.

рининг методик тайёргарлигидаги:

- фаол таълим олиш шаклларига бўлган эҳтиёжи ва ижтимоий заруриятнинг тўла қондирилмаётганлиги;
- касбий шаклланишига йўналтирилган ўқув-тарбиявий ишларни ташкил қилиш учун етарли даражада касбий-педагогик тайёргарликка эга эмасликлари;
- касбий шакллантиришда таълимининг мазмуни, методи, замонавий воситаларини мустақил танлашлари учун зарур шарт-шароит яратилмаганлиги;
- талаб этиладиган билим ва кўникмаларнинг етарли шакллантирилмаганлиги каби номуносибликларга барҳам бериш йўллариини ва усуллариини аниқлаш, улар асосида илмий тадқиқот ва тажриба синов ишларини олиб бориш орқали зарур илмий хулосалар чиқариш ҳамда илмий, амалий ва методик тавсиялар ишлаб чиқиш зарурияти туғилади [1:160].

Бугунги кунда бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини ўқув жараёнининг марказига жойлаштириш, уларни шунчаки тингловчидан фаол субъектга айлантиришга қаратилган ўқитиш концепцияси илгари сурилмоқда. Шу мақсадга эришиш учун ўқув дастурларининг мазмуни ва ўқитиш технологиялари мунтазам янгиланмоқда.

Ҳар бир ўқув мавзуси, бўлимини ўрганиш жараёнида интерактив топшириқларни тузиш имкониятини ҳам алоҳида назарда тутиш талаб этилади, чунки меҳнат таълимида турли ўқув фанларини ўзлаштириш жараёнида интерактивлиқни таъминлаш алоҳида технологиялардан фойдаланишни тақозо этади. Дастлаб бу технологиялар Ўзбекистонда нашр қилинаётган дарслик ва қўлланмаларда ҳам ўз аксини топган. Н.Н. Азизхўжаева “Педагогик технология ва педагогик маҳорат”, Ш. Шодмонова, Н.С. Мирсағатова, Г.Н. Ибрагимова, М.Т.Мирсолиевалар тузган “Педагогик технологиялар” методик қўлланмасида, У.И.Иноятлов, Н.А. Муслимов, Д.И. Рўзиева, М.Х.Усмонбаевалар интерактив технологияларнинг қуйидаги турларини асослайдилар: муаммоли таълим, ривожлантирувчи таълим, табақалаштирилган таълим, ҳамкорлик таълим, модул таълими, ўйин технологиялари, масофавий таълим, мустақил таълим.

Ўқув жараёнига интерфаол технологияларни татбиқ қилиш ўқитишнинг гуруҳли шаклини амалга ошириш, жамоа бўлиб ишлаш, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш имконини бериб, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий ривожланишларига асос бўлади. Бундай шароитда бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари ўқув